

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2013 йил 29 январь • сешанба № 5 (845)

e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz www.insonvaqonun.uz www.insonvaqonun.adliya.uz

Шукроналик
Ўзбекистон —
аҳил оила
Турмуш ободлиги, кўнглилар
шодлиги юрт тинчлигида



Адлия вазирлигида Вазифалар белгилаб олинди



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ Адлия вазирлигининг кенгайтирилган Ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди.

Адлия ВАЗИРИ Н.Йўлдошев бошқарган мажлисда 2012 йилда амалга оширилган ишлар ва келгусида қилиниши лозим бўлган масалалар атрофида муҳокама этилди.

Таъкидланганидек, адлия органлари ва муассасалари томонидан ўтган йилда соҳа фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган бир қатор ишлар амалга оширилди.

Хусусан, қонун ижодкорлиги соҳасида 44 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат, шу жумладан, 12 та қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Шунингдек, 1114 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ҳуқуқий экспертизадан ўтказилди.

Фермерлик ҳаракатини ривожлантириш мақсадида Президентимизнинг "Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш йўналишида ҳам худудий адлия органлари томонидан маълум ишлар бажарилди.

Мамлакатда ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштириш бўйича тегишли чора-тадбирларни белгилаш ва бу масалаларни норматив-ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишда соҳа ходимлари бевоҳита иштирок этишди.

Адлия муассасалари фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Жумладан, суд қарорларининг сўзсиз ижро этилишини таъминлаш, Суд департаменти органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, Республика суд экспертизаси маркази фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган ҳуқуқат қарорлари соҳа фаолиятини халқаро талаблар асосида ташкил этишга хизмат қилиши қайд этилди.

Юристар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш мақсадида ҳуқуқатнинг тегишли қарорлари билан унинг тузилмаси ва янги тахрирдаги Низомни тасдиқланди. Бундан ташқари, Адлия вазирлиги ишчи орган этиб белгиланган "Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат органлари томонидан инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилишини ҳолатини ўрганиш бўйича Идоралараро ишчи гуруҳи" ҳамда "Ҳуқуқий таълим ва маърифат бўйича давлат органлари ишларини мувофиқлаштириш бўйича идоралараро кенгаш" ўз фаолиятларини бошлади.

Шунингдек, "Мустаҳкам оила йили"да ФХДЭ органлари ва давлат нотариал идораларнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлашга қаратилган фаолият ҳам бир қадар такомиллаштирилди.

Мажлисда амалга оширилган ишлар билан бирга айрим адлия органлари ва муассасалари томонидан фаолиятда йўл қўйилган камчиликлар кескин танқид қилинди ҳамда мутасаддиларнинг бу борадаги ахборотлари эшитилди.

Қонун ижодкорлиги, вазирлик ва идораларнинг мазкур йўналишдаги фаолиятига услубий ёрдам кўрсатиш, давлат органларининг ҳуқуқий тарғибот ишларини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш, ҳуқуқий таълим сифати, ижро интизоми бўйича масъулият ва шахсий ташаббускорликни ошириш, шартномавий-ҳуқуқий муносабатларни янада кенгайтириш, тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни кучайтириш, юридик хизмат соҳасида қонунийликни таъминлашда масъул раҳбарларга тегишли кўрсатмалар берилди.

Ҳайъат мажлисида жорий йилнинг "Обод турмуш йили" деб эълон қилиниши ва Президентимизнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасидан келиб чиққан ҳолда адлия органлари ва муассасалари олдида турган муҳим устувор вазифаларни амалга оширишга қаратилган аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Ҳайъат мажлисида муҳокама этилган барча масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Адлия вазирлиги
Ахборот хизмати

Ислон КАРИМОВ:

"Биз юртимизда янги ҳаёт барпо этишнинг биринчи кунларидан бошлаб ҳақиқий эркинлик ва истиқлолга эришиш — бу фақат мустақилликни қўлга киритиш эмас, балки уни ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий жиҳатдан қуриш ва мустаҳкамлаш, халқаро ҳамжамиятда ўзимизга муносиб ўрин эгаллаш ва ҳурмат қозонишдан иборат эканини теран англаб олдик".

БУ УКАМИЗ ёш. Талаба. ЎЗМУ журналистика факультетида ўқияпти. Биринчи курсда. Тахририятга мақола олиб келибди. Жиндай расмий, баландпарвоз гаплардан ҳоли эмас ёзганлари. Мен унга бир пайтлар бир қария, "Нега мен билан сўзлашганда оддий, лўнда, раво гапирясан-у, манави ёзганларинг анча қуруқ, тушунарсиз...", деб изза қилганини айтдим. "Уша зиёли қария ҳанузгача мени таъқиб қилади. Ёзганларимни ўқиб мийиғида кулиб қўяётгандай туюлаверади", — дедим. Укамиз фикр-мулоҳазаси тузуқ, бўлармон бола чиқиб қолди. Анча сўхбатлашдик. Деярли барча мавзунинг "ашиги"ни қоқиб чиқдик. Бугунги ҳаёт, истиқлол моҳияти, давр руҳи, шахс ва халқ бунёдкорлиги бобидаги мулоҳазалари тагли-тугли, жонли, ҳаётий эди. Айниқса, уни бу борада менинг фикрларим қизиқтираётганди. Куйидаги мулоҳазаларга шу сўхбат сабаб бўлди.

УКА, ФИКРИНГИЗГА қўшиламан. Дунёдаги кўплаб халқлар мустақиллиги тарихи, энг аввало, кучли, иродали, узқни кўра биладиган, ақли ва жасоратли шахслар билан боғлиқ ҳолда олохланади. Тарихий муҳит, тарихий вазият этилиши мумкин, лекин ўша муҳит ва вазиятда шахснинг халқ тепасида туриб ишончли қарор қабул қила олиш мақомига кўтарилиши, халқни ўз ортидан эргаштириш бу энди Парвардигорнинг инъоми билан бўладиган ҳодиса. Бундай тақдир ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Айниқса, миллионлаб одамлар қисмати учун масъулик, жавобгарлик юкини кўтариш Яратганнинг назари тушган одамларга насиб қилади. Тўғриси-да, айримларимизга ўз уйимизнинг, оиламизнинг юкини кўтариш, шугина хонадонимиздаги муаммога ечим излаш малол келади, ўз муаммомиздан кўз юмиб, четлаб ўтгимиз келади. Баъзида шугина ташвишга аюҳаннос солиб юборамиз, тўрт одамнинг бошини бириктириб, уларга маъқул жиҳатни топиш — кўнглига қўл солишга уқувимиз йўқлигини хис қиламиз. "Менга нима, бу менинг ишим эмас..." деймиз. "Менга нима"га ўрганганмиз. Ана шу "Менга нима"ни энгилб ўтган одамдан яхши нарсаларни кутиш мумкин. Шахсликка, юксакликка кўтарилиш зинапоясининг илк погонаси ана шу "Менга нима"ни энгилбдан бошланади.

...Саркарданинг қўли қалтираса тўғривининг вужуди титрайди, кўшин тўзғийди, чекинади.

Кема даргаси тўфонда кўркса, ўз жонини ўйласа, кема ҳалокатга учрайди. Ваҳима девори қирқоқ йўлини тўсиб қўяди.

Сарбон қатъияти қарвонга мадат. Чўли-сахродаги қийин, таҳликали паллада қарвон сарбондан куч олади. Жасур сарбон қарвонни йўлдан адаштирмайди.

Сарбоннинг шаҳди қарвоннинг бахтидир. Демак, шахс миллат қисматида янги бир даврни, тарихни ҳам пайдо қилиши мумкин. Албатта, халқ жипслиги, миллат ҳамжихатлиги керак бўлади. Қум тушса, сув лўкча тортади, тош тушса тиниқлигини йўқотмайди. Бизнинг мустақиллигимиз моҳияти ҳам, энг аввало, кучли шахс ва миллат жипслигининг ҳаётий ифодасидир.

Муҳаррир минбари

Бизда шахс ва халқ бунёдкорлиги уйғундир



Хўш, ёшларимизга бу борада яна нима дейман?

Мустақиллик — бу бунёдкорлик. Ўз уйингда ўзинг учун бахт иморатини барпо этмоқдир. Бирок бу иморатни бизга ташқаридан келиб бошқа бировлар қуриб бермайди. Ҳа, ўзгалар бизга беҳудага битта гишт бермайди ёки боғимизга бир туп ниҳол ўтказмайди. Манфаатлар йўлида жони-ҳалак, қўлингга қараб қўл узатадиган дунёда ўз келажagini ўзи бунёд этаётган халқларнинг қадди баланд, боши тик бўлади. Ўзбекистонликлар шу йўлдан улғу шахс раҳнамолигида дадил бораёпти.

Ёшларимизга яна нима дейман?

Биз бу кунларга осонликча етиб келмадик. Бугунги ёшларимиз истиқлолнинг дастлабки ойлари, йилларидаги синовли кунларни кўришмаган, билишмайди. Кўрмаганим, билмаганим яхши. Майли, билишмасин ҳам, кўришмасин ҳам. Ушанда пахтамининг тортиб олиб устига кийим-кечак қилиб кийиб юрган "огайни"ларимизнинг орқаси тугиб қолди: бизсиз кунинг ўтмайди, деб дўқ уришди, поражўрдан олиб боқиманда чикаришди. Ўртимизнинг олтин замини қаъридаги олтинларимизни қазиб ололмайдиган ожиз ва ношуд халқ ўрнида менсимади. Хуллас, келажакимизни "зимистон"ликда башорат қилишди. Бирок биз ўз йўлимизга чиқ-

қан эдик, ана шундай иккилиниш ва тебранишлар даврида халқ қалбиде ишонч ва ана ишонч, қатъият туйғуси уйғониши керак эди. Ана шу ишонч ва қатъият туйғусини Мустақиллигимиз асосини бўлган буюқ шахс уйғотди.

Ёшларимизга яна нима дейман?

Гугурт чўпини ҳавода шунчаки муаллақ ушлаб турсангиз тураверади. Ёнмайди. Гугурт чўпини ўз қутисига ишқалаб ёқадилар, олов олдирадидлар. Истиқлолнинг дастлабки йилларида ҳам шундай бўлди — ташқи кучлар, оловни ўз ичимиздан топишди. Гугурт чўпини, қутисиям ўзимиз бўлдик. Ўртимизда уруш олови ёниб, юртга ўт кетишини истаган ёвуз кучлар қўлида гугурт чўли бўлган айримлар, энг аввало, ўз оила-си, ўз келажакига ўт қўйишга уринаётганини билишмас эди. Ана шундай талатўмли даврлардан, қийин-қистовли синовлардан ўтдик. Яна шу гап — халқ жипслиги, шахс иродасининг мустаҳкамлиги! Истиқлолни ана шу икки улуг куч уйғунлиги асради.

Яна нима дейин?

Яхши-ёмон кунларни бошимиздан кечирдик. Лекин, йўлимизда олға интилдик. Шу давр ичида, бугунга қадар ҳаётимиз мазмун-моҳияти тубдан ўзгарди. Қарашларимиз мутлақ ўзгарди. Бугун биз олдинги одамлар эмасмиз. Бугун биз дунёни бирмунча тушуниб ет-

дик. Етти ухлаб тушимизга кирмаган улкан тарихий, мангуликка даҳлдор ишларни амалга оширдик. Йўллар, темир излар, кўприқлар, сув омборлари, улкан дунёвий аҳамиятга молик завод-фабрикалар, катта-катта шаҳарлар қурдик, бунёд этдик ва ана қуришда давом этаёпмиз. Булар айтишга осон, буларнинг ўзи бўлмайди. Бир биноси битмасдан ўн биноси вайрон бўлаётган юртлар бошига тушган қулфатлардан Худо асрасин. Буюқ мустақилликнинг буюқ бунёдкорлигига кўз тегмасин! Буюқ халқ ва буюқ шахс жипслигига, Тинчлигимизга кўз тегмасин!

Яна айтганими?

Яна айтсам, мустақиллик тўғрисида биз ўз исмига, қиёфамиз билан дунё ҳамжамиятига кириб келдик. Энди бизнинг исмига бор, дунё исмига эътироф этади... Муҳимлардан муҳим шу эмасми? Сиз каби ёшлар эса буюқ Ватаннинг толмас қанотлари бўлиб жаҳон осмониде парвозга шайландингиз. Шунинг ўзи муҳимлардан муҳим эмасми, яъни Ўзбекистоннинг келажак дунё бўйлаб парвоз этмоқда.

Бизнинг мақсадимиз ҳам, йўлимиз ҳам шу. Йўлимиздан адашмадик. Чунки, сарбон оқил ва доно бўлса, қарвон адашмайди.

Кўчқор НОРҚОБИЛ

Энг фаол иштирокчи тақдирланди

ЎТГАН ҳафта пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрлар малакасини ошириш "Истеъдод" жамғармаси, "Қамолот" ЁИҲ Марказий кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ташаббуси билан "Ўзбекистон Республикасида ёшлар сиёсатини амалга оширишнинг долзарб масалалари" мавзунда республика илмий-амалий анжумани ўтказилди.

Анжуманда 6 йўналиш бўйича ёшларнинг ҳар томонлама камол топиши учун зарур шарт-шароитларни янада такомиллаштиришга қаратилган тақлиф ва мулоҳазалар тингланди. Яқунда барча ишлар умумлаштирилиб, тегишли тақлифлар ишлаб чиқилди, шунингдек, энг фаол иштирокчилар тақдирландилар. Хусусан, Тошкент давлат юридик институти 1-босқич магистранти Элдор Ҳамроев илмий анжуманда фаол-иштирок этгани учун диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

(Ўз мухбиримиз)



ТДЮИда Санъат усталари билан учрашув

МАМЛАКАТИМИЗДА бш авлодни миллий истиқлол ювси руҳида тарбиялаш, уларнинг қалби ва онгида ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришда, албатта, мусиқанинг ўзига хос ўрни бор. Шундан ташқари ТДЮИда талабаларни миллий қўшиқчилигимиз санъати, мумтоз халқ оҳанглари ва рангбаранг ўзбек миллий чолғулари билан ақиндан таништириш мақсадида турли тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.



ЯҚИНДА институтда Ўзбекистон халқ ҳофиси Ўлмас Саиджонов, ўзбек мумтоз ашулаларининг моҳир ижрочиси, Ўзбекистон халқ артисти Муножот Йўлчиева, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Зариф Азизов, Хожи Абдулазиз Абдурауфов ва Комилжон Отаниёзов номидаги республика кўрик-танлови 1-ўрин соҳибаси — Гулсара Ғоипова каби бир қатор эл назарига тушган санъаткорлар билан учрашув бўлиб ўтди. Ўзбекистон халқ ҳофиси Ўлмас Саиджоновнинг "Мумтоз куй — миллий кадриятимиз", Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Уткир Сиддиқовнинг "Ўзбек чолғу асбоблари оҳанглари", ТДЮИ доцентлари Раҳмон Кўчорнинг "Ешларнинг эстетик диди юксалишида миллий санъатнинг аҳамияти" мавзудаги маърузалари тадбирда иштирок этган профессор-ўқитувчилар ва талабаларда катта таассурот уйғотди.

Санжар СОДИКОВ, ТДЮИ Маънавият-маърифат ва иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлими бошлиғи

Тизимда Самарадорликни ошириш йўлида

СИРДАРЭ ВИЛОЯТИ адлия бошқармасида "Нодавлат нотариот ташкилотлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари мавзусида семинар ташкил этилди. УНДА нодавлат нотариот ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмуни, яъни нодавлат нотариот ташкилотларнинг ҳуқуқлари, уларга берилган имтиёзлар ва мажбуриятлар ҳақида сўз юритилди. Утган йил давомида вилоят адлия бошқармаси томонидан нодавлат нотариот ташкилотларининг фаолиятида бир қатор қонунбузилиш ҳолатлари мавжудлиги, юридик хизмат фаолиятида етарлича фойдаланилмаётганлиги, ННТ раҳбарларининг соҳа фаолиятини тартибга солиш қонуний метаблариндан хабарсиз эканлиги таъкидланди. Тадбир сўнгига нодавлат нотариот ташкилотлар учун Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланган янги ҳисобот шакли ва уни тўлдириш бўйича тушунчалар берилди.

Азиз МАВЛОНОВ, Сирдарэ вилояти адлия бошқармаси масъул ходими

Янги йилнинг илк ойи пойнига етмоқда. Юксак орузлар, эзгу умидлар билан бошланган бу ой кўплаб муаллифларга олоҳида илҳом бағишлаган чоғи. Зеро, тахририятда чоп этилиши учун нобат кутаётган мақолаларнинг ҳар талғидан ҳам кўпчилиги шундан далолат бериб турибди. Ижод намуналари билан танишаркансан, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришдек эзгу вазифани адо этётган адлия органлари ходимлари одатдагидек фаол эканлигига ишонч ҳосил қиласиз.

МАСАЛАН, Адлия вазирлиги масъул ходими Шерзодбек Ражабовнинг "Шартнома интизомини мустаҳкамлаш давр талаби" сарлавхали мақоласида шартнома интизоми ва унга амал қилмаётган айрим ташкилотларга кўрилган чоралар ҳусусида сўз юритилса, Сирдарэ вилояти адлия бошқармаси масъул ходими Иножон Юлдашевнинг "Ер ижара шартномаси: масъулият ва жавобгарлик" деб номланган мақоласида ерни узок муддатга ижарага беришга доир тартиб-қоидалар қаламга олинган. Навоий вилояти адлия бошқармаси масъул ходими Х.Саъдуллаевнинг "Шартнома интизоми..." номли мақоласида эса шартно-

Шарҳ Мазмундор ва мушоҳадага бой

мақолалар ўқувчини бефарқ қолдирмайди

ма турлари, уларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари ҳусусида сўз боради. Жиззах вилояти адлия бошқармаси масъул ходими Ш.Эрматов йўллаган мақолада ҳуқуқий экспертизанинг давлат органлари томонидан қабул қилинаётган норматив ҳужжатларнинг қонунчилигини таъминлашдаги аҳамияти қайд этилган. Ушбу мақола "Ҳуқуқий экспертиза — муҳим жараён" деб номланади.

Сурхондарэ вилояти адлия бошқармаси масъул ходими Баҳоидор Чоранбаев "Деҳқон ҳўжалиги тўғрисида"ги Қонуннинг мазмун-моҳиятини очиб бергани, бу, албатта, деҳқон ҳўжалигида фаолият кўрсатаётган юрtdошларимиз учун ўзига хос ҳуқуқий маслаҳатдир, десак янглишмаймиз. Бинобарин, шу вилоятнинг Музаброт тумани давлат нотариал идораси нотариуси К.Қодирнинг



"Давлат маҳкуми" сарлавхали мақоласини ўқисангиз, Ўзбекистон Республикаси Давлат маҳкумига доир билимларингиз янада ортади. Айтиш жоизки, шу муқаддас заминда истикомат қилётган ҳар бир фуқаро Давлат рамалари, Конституциямизга оид маълумотлардан тўла хабардор бўлиши лозим. Тахририятимизга йўлланган мақолаларни ўқир экансиз, бу борадаги билим доиранинг кенгайиши шубҳасиз. Когон тумани ФХДЭ муdiri Муҳиба Имомованинг

"Конституция — бахтимиз қомуси" номли мақоласида мулкдорлар, тадбиркорларнинг Конституциямизда белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳусусида фикр юритилган бўлса, Қашқадарэ вилояти адлия бошқармаси масъул ходими Рисолат Абдуллаевнинг "Бахтимиз пойдевори" номли мақоласида Ассоси қонунчилигининг қандак турмушимизда тугган ўрни, унинг мақсад ва вазифалари баён этилган. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университет талабаси Ферузбек Обидовнинг "Инсон манфаат-

тини таъминлаш" номли мақоласи ҳам ўқувчини бефарқ қолдирмайди. Талабанинг эътирофи эшитилса, барча ҳуқуқ ва эркинликларимиз Конституциямиз ёрдамида амалга оширилувди. ТДЮИ ўқитувчиси, юридик фанлар номзоди Феруза Ибратова шундай ёзда: "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан аҳоли ўртасида ўтказилган сўровда мамлакатимизда ҳар тўрт оиланинг бири оилавий бизнес билан шуғулланаётгани аниқланди. Ҳар уч оиланинг бири қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштиришда. Мазкур мақолада "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги Қонун юрtdошларимизга кенг имкониятлар бераётгани аниқ мисоллар ёрдамида кўрсатиб берилган. Шу институт талабаси Элёр Носиров тахририятга "Фуқаро мууроаати — қонун

ҳимоясида" номли, яна бир талаба Шерзод Ражабов эса "Ҳуқуқий саводхонлик ва маънавий баркамоллик йўлида" номли мақола йўллаган. Ҳар икки мақолада ҳам талабаларнинг теран мушоҳадалари қиши эътиборини тортади. Жамиятимиз устуни саналган оилаларнинг ҳуқуқий ҳолати, ота-она, фарзандларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари баён этилган мақолалар ҳам талайгина. Гулистон тумани ФХДЭ муdiri Матлуба Уматқулованинг "Оилангиз тўқис бўлсин", Нуробод тумани ФХДЭ бўлими муdiri Рисолат Назарованинг "Шарий никоҳ. Унинг пойдевори мустаҳкамми?" номли мақолалари фикримизнинг ёркин далилидир. Фуқаролик ишлари бўйича Навоий вилояти суди судьяси Г.Худайбердиевнинг "Юридик шахс, унинг турлари..." ҳамда Самарқанд вилояти ҳўжалик суди суд мажлиси котиби М.Дўстматованинг "Суд қарорининг ижроси" сарлавхали мақолалари ҳам ўқувчиларнинг ҳуқуқий билимларини юксалтиришга хизмат қилади. Санаб ўтилган мақолалар, гарчанд тўлиғича эълон қилинмаган бўлса-да, мазмундорлиги, мушоҳадаларга бойлиги билан диққатга сазовордир. Дилфуза РАҲИМБЕКОВА

Ваколатга эга бўлмаган аризаچининг талаби қаноатлантирилмади

Ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги аризалар билан ҳўжалик судларига ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилишга қонун ҳужжатлари бўйича ваколат берилган назорат қилувчи органга мурожаат қилишга ҳақли.

Ишнинг мазмуни НАЗОРАТ қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши вилоят ҳудудий комиссиясининг 2012 йил 5 июндаги 268-сонли рухсатномаси ва туман давлат солиқ инспекциясининг 2012 йил 7 июндаги 249-хс-сонли буйруғига асосан масъулият чекланган жамиятнинг 2008 йил 1 январдан 2011 йил 1 апрелга қадар амалга оширган фаолиятида бюджетта солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўри ҳисоблангани, Президентимизнинг фармонлари ва Вазирлар Маҳкумасининг қарорлари ривож қилиниши юзасидан режалар текшириш ўтказилган ва унинг натижалари бўйича тегишли далолатнома тузилган. Утказилган режалар текшириш натижалари юзасидан тузилган далолатномада масъулият чекланган жамият 2008 йил 1 январдан 2011 йил 1 апрелга қадар мажбурий бериб бериш тартибидан бўлиб, 74999700 сўмлик гишт маҳсулотларини сертификат олимадан сотганлиги қайд этилган. Туман давлат солиқ инспекцияси томонидан текширишга асос бўлган ҳужжатлар ва солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиб бўйича қабул қилинган барча ҳужжатлар масъулият чекланган жамиятга топширилган ва у томондан қабул қилиб олинган. Туман давлат солиқ инспекцияси томонидан текшириш ҳужжатларини кўриб чиқиб натижалари бўйича қилувчи органларнинг қарор қабул қилиниши, масъулият чекланган жамиятга "Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида"ги Қонуннинг 23-моддасига асосан молиявий санкция қўллаш зарур, деб ҳисобланган.

74999700 сўм молиявий зарима қўллашни сураб, ҳўжалик судига ариза билан мурожаат қилган.

Аризаچининг вазirlари Масъулият чекланган жамият 2008 йил 1 январдан 2011 йил 1 апрелга қадар даврда мажбурий сертификатлаштириш тартибидан бўлиб, 74999700 сўмлик гишт маҳсулотларини сертификат олимадан сотган. Шу сабабли, масъулият чекланган жамиятга "Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида"ги Қонуннинг 23-моддасига асосан молиявий санкция қўллаш зарур, деб ҳисобланган.

Суднинг ҳал қилув қарори Бириинчи инстанция суди тек-

Шу ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисида аризалар билан ҳўжалик судларига ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилишга қонун ҳужжатлари бўйича ваколат берилган назорат қилувчи органга мурожаат қилишга ҳақли. Жумладан: фаолиятини тугатиш ҳақидаги аризалар билан рўйхатга олувчи органлар; атраф табиий муҳитга зарарли таъсир кўрсатаётган объектлар фаолиятини тугатиш ва (ёки) қайта итхиссослаштириш ҳақидаги ариза билан рўйхатга олувчи ёки табиатино муҳофаза қилувчи органлар; фаолиятини чеклаш, тўхтатиб туриш ва тақиқлаш ҳақидаги аризалар билан қайси ҳуқуқбузарлик учун қонун ҳужжатларида бундай ҳуқуқий таъсир чораси белгиланган бўлса, ушбу соҳани назорат қилувчи органлар; банклардаги ҳисобсавлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш ҳақидаги аризалар билан қайси ҳуқуқбузарлик учун қонун ҳужжатларида бундай ҳуқуқий таъсир чораси белгиланган бўлса, ушбу соҳани назорат қилувчи органлар; молиявий жаза чораларини қўллаш ҳақидаги аризалар билан ҳўжалик юритувчи субъект томонидан қайси соҳада ҳуқуқбузарлик содир этилган бўлса, ушбу соҳани давлат томонидан назорат қилишга қонун ҳужжатлари билан ваколат берилган назорат қилувчи орган томонидан мурожаат қилинган бундай талабни қаноатлантириш ваколатсиз шахс томонидан ариза берилганлиги сабабли рад этилади. Қайд этилганларга қўра, ҳўжалик суди назорат қилувчи органнинг аризадаги талабни қаноатлантириши рад этган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги куйидаги нотариус лавозимларига ТАНЛОВ ЎТКАЗИШНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги куйидаги нотариус лавозимларига ТАНЛОВ ЎТКАЗИШНИ ҚАЙТА ЭЪЛОН ҚИЛАДИ Қорақалпоғистон Республикаси Тавиташ шаҳар 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар Қашқадарэ вилояти Қамашли туман давлат нотариал идорасида 1 нафар Сурхондарэ вилояти Денос туман 4-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар Қорғўзақ туман давлат нотариал идорасида 1 нафар Фарғона вилояти Фарғона шаҳар 6-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар Учкўприк туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар Тошкент вилояти Бўстонлиқ туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар Бекobod туман давлат нотариал идорасида 1 нафар Танловда қатнашиш учун куйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим: 1. Комиссия номига ариза; 2. Паспорт нусخаси; 3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақ; 4. Мехнат дафтarchасининг нотариал ёки иш жойида тасдиқланган нусхаси; 5. Талабгорнинг малака имтиҳонини топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма; 6. Охириги иш жойидан берилган мехнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома. Танловда иштирокчи беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камидан уч йил муддатли иш стажига эга бўлган, шу жумладан, белгиланган тартибда стажировкани ўтаган, малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси иштирок этиши мумкин. (Ҳужжатларни тақдим этишни охириги санаси 2013 йил 28 февраль) Манзил: Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 5-уй. Телефонлар: (8-371) 233-44-48, 236-78-52, (ички) 183, 184, 185.

Навоий вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 11 январдаги 4-ум-сонли буйруғига асосан Зарафшон шаҳридаги "SAYFI-MIROHUR UMID" адвокатлик бюроси адвокати Сайфиева Умид Бахтияровнага вилоят адлия бошқармаси томонидан 2010 йил 6 декабрда берилган NV №000067 рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ҳақида адвокатлик мақоми тугатилди. Навоий вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 11 январдаги 4-ум-сонли буйруғига асосан Кармана туманидаги "ADOLAT TAYANCHI" адвокатлик бюроси фаолияти иштироки тугатилганлиги сабабли давлат рўйхатидан чиқарилиди. Навоий вилояти адлия бошқармасининг 2012 йил 26 декабрдаги 99-ум-сонли буйруғига асосан Қизилтепа туманидаги "ERKIN PARVOZI" адвокатлик бюроси адвокати Курбонов Халим Холевич вафот этганлиги муносабати билан вилоят адлия бошқармаси томонидан 2010 йил 11 февралда берилган NV №000060 рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши ҳақида адвокатлик мақоми тугатилди. Навоий вилояти адлия бошқармасининг 2012 йил 26 декабрдаги 99-ум-сонли буйруғига асосан Қизилтепа туманидаги "SABO NORQU" адвокатлик бюроси адвокати Курбонов Сунатуллога вилоят адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 9 июнда берилган NV №000043 рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши ҳақида адвокатлик мақоми тугатилди. Бухоро вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 21 январдаги 9-ум-сонли буйруғига асосан Бухоро шаҳридаги "Adolat manzili" адвокатлик фирмаси бошқарувчи шериги Топилов Фаёулшо Ибодовичга 2009 йил 21 майда берилган ВН 000049-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши ва адвокатлик мақоми 2 ой муддатга тўхтатилади.